

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРНИНГ АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ҚЎЛЛАШДА АМАЛИЁТ ВА НАЗАРИЯ

*Исоқулов Асадбек Алишер ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 314 гуруҳ курсанти*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун кўрсатилган жавобгарликни назарда тутувчи қонунчилик нормаларни, мавзуга оид халқаро тажрибани кўрсатиб, аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги амалиёт ва назарияни кўрсатиб ўтган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, халқаро тажриба, виктимологик профилактика.

АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор показал правовые нормы, мировой опыт по теме, практику и теорию в сфере охраны здоровья населения, предусматривающие ответственность за правонарушение в сфере охраны здоровья населения.

Ключевые слова: Преступность, профилактика правонарушений, медицинские преступления, зарубежный опыт, виктимологическая профилактика.

ANNOTATION

Through this article, the author has shown the legal norms, the international experience of the topic, and the practice and theory in the field of public health care, which provide for the responsibility for the offense in the field of public health care.

Key words: Crime, crime prevention, health care crimes, international experience, victimological prevention.

Аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур қонун ҳужжатларини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси қонунчилигида ҳам жабрланувчилар билан боғлиқ виктимологик профиликтика нормаларини такомиллаштириш амалий жиҳатдан долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки, шу орқали жабрланувчиларнинг ўзларини тутиши ва шахсини баҳолаш имконияти юзага келади.

Бугунги кунда аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини белгилаб берувчи ҳуқуқий асос яратилди. Ушбу ҳуқуқий асосларни қуйидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга йўналтирувчи ва қафолатловчи ҳуқуқий асослар;
- аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, уларга етказилган моддий, маънавий, жисмоний зарарларни ундиришни белгиловчи ҳамда уларнинг реабилитация қилинишига оид тартибни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар;
- аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи субъектларининг шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар.

Бундан ташқари, аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир ҳуқуқий асосларни таъсир кўрсатиш кучига кўра қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1) аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар;

2) Конституция ва қонунлар;

3) қонуности ҳужжатлар.

аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.

аҳолини соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан виктимлик ҳолатини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш катта аҳамиятга эга. Албатта бу борада бир қатор чет-эл давлатларида амалга оширилаётган тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

1963 йили Янги Зеландияда жаҳонда илк бор жиноятдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қонун чиқарилганлигини кўриш мумкин.

Ушбу давлат тажрибаси Англия, Нидерландия, Швейцария, Франция, АҚШнинг бир қатор штатлари (12 та), Канаданинг саккиз провинцияси, Австралиянинг 5 та штатига жорий қилинди. 1972 йилда АҚШнинг жиноятдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича федерал қонуни қабул қилинган бўлса, 1976 йили Германия Федератив Республикасида (ўша пайтдаги Ғарбий Берлинда ҳам) зўравонлик жиноятидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун кучга кирди. 1982 йилда АҚШда жиноят қурбонлари ва

гувоҳларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этиш тўғрисидаги яна бир федерал қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жиноятчиларнинг моддий зарарни тўлаши мустақил жазо тури деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлимнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар»га бағишланган 7-бобида келтирилган «...ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазикқа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас», «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»¹.

Тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш қанчалик юқори даражада бўлса жиноят Кодекси нормаларининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича самараси шунча юқори бўлади.

Ички ишлар органларининг маъмурий амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, профилактика хизматлари амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш, виқтимологик профилактик тадбирларни ўтказиш жараёнида ўз хизмат ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг махсус қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг содир этилганлиги ҳақида керакли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда мазкур кодекснинг 18-бобидаги нормаларга асосан белгиланган тартибда кўриб чиқишга ваколатли органларга юбориш тартиблари белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2022. – 76 б. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/-20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — 20-сон. — 221-м
3. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 636 б.
4. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.-539 б.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2022. – 76 б. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/-20596>